

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Хумоюн Саломов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Конунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти
етакчи илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада коррупцияга қарши курашишда, жазолаши механизмидан кўра, олдини олиши чораларини кўриши юқори самара берниши, превентив чораларни кўриши учун аввало коррупциянинг келиб чиқшишига сабаб бўлган омилларни аниқлаши муҳим ўрин тутиши, иқтисодий, маъмурий, маънавий ҳамда бошиқа омиллар сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги олимларнинг фикрлари, ҳамда хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашишда амалга оширган чора тадбирлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Коррупцияга қарши курашиши, коррупциянинг омиллари, жамиятга зарар келтирувчи иллат, коррупциянинг келиб чиқшинининг иқтисодий ва маъмурий сабаблари, превентив чора тадбирлар, қонунийлик, адолат.

ABSTRACT

This article discusses the higher effectiveness of taking preventive measures rather than punitive mechanisms in the fight against corruption. It emphasizes the importance of identifying factors that lead to corruption, which can include economic, administrative, moral, and other influences, as a prerequisite for preventive actions. The opinions of scholars are explored, along with an analysis of measures undertaken by foreign countries in their efforts to combat corruption.

Keywords: Fighting corruption, causes of corruption, societal detriments, economic and administrative causes of corruption, preventive measures, legality, justice.

КИРИШ

Коррупция бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига катта зарап етказмоқда. У давлатнинг инқирозга юз тутишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши самарали курашиш учун унинг сабабларини аниқлаш орқали унга қарши курашиш зарур.

Ҳозирги кунда барча жамиятларда коррупция давлатнинг иллатига айланиб бораётганлиги билан бир қаторда унга қарши курашиш чораларини

кўриш орқали ўзига хос иммунитетни ҳосил қилиш энг муҳим вазифага тариқасида шаклланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқида “Худудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириши, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга таклиф киритиши белгиланди”.¹

Дарҳақиқат, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг худудий кенгашлари томонидан давлат органлари, ташкилот, корхона ва муассасалардаги коррупциявий омилларни аниқлашлари орқали курашни ташкиллаштиришлари бирламчи вазифа ҳисобланади.

Тадқиқотчи Е.Платовнинг фикрича, коррупциянинг пайдо бўлишига асосий сабаблар сифатида дастлаб иқтисодий сабаблар, кейинги ўринларда эса ҳуқуқий ва институционал сабаблар, энг сўнггида эса ижтимоий сабаблар ва жамиятдаги муҳит, яъни бунда аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоат фаоллигининг пастлиги каби омиллар ўз таъсирини кўрсатиши таъкидланган.²

Коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган энг муҳим омиллар тўғрисида олимларнинг турли қарашлари мавжуд бўлиб, уларни жамлаган ҳолда, қўйидаги сабабларга ажратишимииз мумкин:

- **Иқтисодий омиллар**, кам иш ҳақи ва ойлик маошни белгилашдаги нотенглик, ҳаёт даражасининг умумбелгиланган стандартлардан пастлиги ва бошқа иқтисодий муаммоларнинг вужудга келиши.

- **Қонун ва тизим билан боғлиқ омиллар**, бунда адолатсиз тизимнинг шаклланиши ва қонунийлик принципи аҳмиятдан четда қолиши оқибатида, ҳуқуқбузарларни жазосиз қолишга олиб келиши.

- **Маъмурий омиллар**, бюрократиянинг мураккаблиги, жамият ҳаётини тартибга солувчи жабҳаларнинг шаффоғлиги таъминланмаганлиги, аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг кўл бошқарувида амалга оширилши.

Маънавий жиҳатдан заифлик, жамиятда ахлоқий қадриятларининг аҳамияти камайиши, орқали аҳоли томонидан коррупциявий ҳолатларга бефарқ муносабатда бўлиш орқали бу каби ҳолатларни содир этилишида бевосита иштирок этишлари билан шароит яратишлари каби омилларни ташкил этади.

¹ <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>

² Платов Егор Витальевич Причины коррупции в России // Наука. Общество. Государство. 2018. №4 (24). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prichiny-korruptsii-v-rossii> (дата обращения: 19.03.2025).

Коррупция илдизига бутунлай болта уришда энг муҳим жиҳат янги авлодни адолат, ҳалоллик ва масъулиятни ҳис этиш кўникмасига ўргатиш ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган таълим дастурларини кучайтириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган сабабларни ва уларнинг олдини олиш учун самарали усусларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим.

Дунё миқёсида коррупцияга қарши самарали стратегиялари билан танилган давлатларга Дания, Янги Зеландия, Финландия, Сингапур ва Швеция киради. Ушбу мамлакатлар “Transparency International”нинг Коррупцияни қабул қилиш индексида энг юқори ўринларни эгаллашган, чунки уларда коррупциянинг омилларини аниқлаш ҳамда уларни олдини олишга қаратилган мустаҳкам хуқуқий асослар яратилган. Қуйида мазкур давлатлар томонидан қўлланилган превентив чоралари келтирилган:

Хусусан, **Сингапур давлати** коррупцияга нисбатан батамом тоқатсизлик сиёсатига эга бўлган Сингапур мустақил Коррупцияга қарши тадқиқотлар бюроси (CPIB) орқали қонунларни аниқ ва қатъий ижро этиш орқали эришган. Ушбу бюро аҳолининг айнан қайси қатлам ва соҳаларда коррупциявий элементлар вужудга келиши мумкинлигини ўрганиб, ўзининг тавсияларини хукumatга тақдим этиб бориш билан шуғулланади.

Дания давлати эса, транспарент давлат сектори ва коррупцияни олдини олиш ҳамда хуқуқий жиҳатдан уни асосларини мустаҳкам ва бироқратик мураккабликни камайтириб, барча давлат хизматларини тўлиқ электронлаштиришга эътибор қаратган.

Янги Зеландияда ахлоқ стандартлари юқори даражада бўлиб, мукаммал ишлаб чиқилган хуқуқий тизим ва рақамлаштирилган хукumat хизматлари вужудга келиши мумкин бўлган коррупциянинг хавф-хатарлар даражасини максимал равишда олдини олишга хизмат қилмоқда.

Финландияда ҳам давлат бошқаруви ва давлат харидларида шаффофликка ургу бериш ҳамда ахлоқий қадриятларни шакллантириш учун таълим сифатига алоҳида аҳамият қаратилган.

Швеция давлат органлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш ва маълумотларга жамоатчилик киришини осонлаштиришга ургу берган.

Қайд этилган давлатлар хуқуқий, маданий ва институционал чора-тадбирларнинг уйғунлашуви билан коррупциянинг омилларини аниқлаб, уларга самарали қарши курашнинг превентив сиёсатини юритганликлари ҳамда давлат томонидан қўрсатиладиган хизматларнинг тўлиқ рақамлаштирилганлиги

натижасида ушбу иллатни йўқотишда муваффақиятга эришишганликларини кўрсатмоқда.

Коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида таклиф тариқасида, Ўзбекистон Республикасидаги Олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний имтиҳонлар, курс ишлари ва битирав малакавий ишларни баҳолаш инсон омилига боғлиқ ҳисобланади. Мазкур жараёнларда шаффоффлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида дарс машғулотлари, имтиҳонлар ўтадиган аудиторияларда оралиқ ва якуний назоратларни қабул қилиш ва ўқув лабораторияларини видеокузатув камералари билан тўлиқ жиҳозлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимларига улаш, **“Blind assessment”** тизимини жорий этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мисол учун, Тошкент давлат юридик университетида 2017 йилдан оралиқ ва якуний назорат ишлари ёзма шаклда олиниб, университетнинг маҳсус бўлимида талабаларнинг исм ва шарифи ўрнига маҳсус рақам берилади ҳамда баҳоловчилар кимнинг ишини текширганлигини билмайди. Бу тартибининг жорий этилиши олий таълим йўналишида коррупциявий ҳолатларни олди олиш ва етук мутахассис кадрлар этишиб чиқишига эришилади.

“Transparency International”нинг Коррупцияни қабул қилиш индексининг 2024 йил натижаларига биноан Ўзбекистон 32 балл билан аъзо 180 мамлакат ичida 121-ўринни эгаллаб, Россия, Миср, Эрон, Қирғизистон ва Озарбайжонни ортда қолдирган. Ушбу натижа 2014 йилдан буён 15 баллга ўсди, бу эса Ўзбекистонни коррупцияни қабул қилиш кўрсаткичини сўнгги ўн йил ичida энг тез яхшилаган давлатлардан бирига айлантирмоқда.

Маълумот тариқасида шуни қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бормоқда, 2023 йилда Ўзбекистон 2023 йилда 121 ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йилда 126-ўрин, 2021 йилда 140-ўрин, 2020 йилда 146-ўрин, 2019 йилда 153-ўрин, 2017 йилда 157-ўрин, 2016 йилда эса 156-ўринда бўлган.³

Бу рақамлар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга қаратилган тизимили ислоҳотларнинг самарали олиб борилаётганлигидан далолат берибина қолмай, ушбу йўналишдаги мавжуд илмий изланишларга асосланган превентив чораларни доимий равища кўриб бориш орқали жамиятда коррупция иллатига қарши курашиш учун унинг сабабларини аниқлаб, сўнгра доимий равища вакцина қилиб бориш зарурияти мавжудлигини тасдиқламоқда.

³ <https://www.transparency.org/en/cpi>

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларимизни жамлаган холда хulosа қиладиган бўлса, Рақамли технологияларни давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар соҳасига ва давлат бошқарувининг шахслар билан алоқага киришадиган барча соҳаларига жорий этиш, жараёни шаффоғлигини ошириш ва давлат хизматларини контактсиз кўрсатилишини таъминлаш орқали коррупция даражасининг сезиларли пасайишига эришилиб, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга имкон беради.

Аммо рақамли технологияларнинг ушбу афзаликлари универсал электрон ҳужжат айланиш тизимининг йўқлиги, техник ва ҳукуқий мезонларнинг этишмаслиги, аниқланган фактларни ва ахборот хавфсизлигини текшириш тизимининг мавжуд эмаслиги туфайли минималлашади.

Юқорида келтирилган рақамли моделларни амалиётда қўллаш учун уларнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибагага, мувофиқлигини инобатга олиш муҳим шарт ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. www.lex.uz
2. <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/prichiny-korruptsii-v-rossii/viewer>
4. <https://www.transparency.org/en/cpi>